

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган номли Конимек тумани Халқ таълими бўлими «Низом» асосида иш берувчи бошлиқ: Э.Исломов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “LEADER SERVICE NAVOI” МЧЖ номидан «Устав» асосида иш курувчи С.Исломов иккинчи томондан, 14-сон умумий ўрта таълим мактабини иситиши тизимини жорий таъмирлаш ишларига мазкур пудрат шартномани туздилар

## I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтингчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниqlигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ваёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига кўра 14-сон умумий ўрта таълим мактабини иситиши тизимини жорий таъмирлаш ишлари учун умумий суммаси **118 056 704** (Бир юз ўн саккиз миллион эллик олти минг етти юз тўрт) сўм бўйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» Эса «Пудратчи» га курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори (27.08.2022 йилдаги №137425-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **118 056 704** (Бир юз ўн саккиз миллион эллик олти минг етти юз тўрт) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди( қонунда кузда тутилган ҳоллар бундан мустасно); объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ваёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқкурилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, туннини, омборга жойлаш ва сақлаш;

курилиш майдони худудида вақтингчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини нудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида төхника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритини чироклари ўрнатиш;

курилиш таваккальидикларини сугурта қилиш;

курилиш майдони кўринкланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқхажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажарини учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага - иловага мувофиқ ишларни бажарни учун яроқли бўлган курилиш майдонини обьект қурилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш. Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялантиришни жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда руйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилини учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқхажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАЗга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - шартнома конун хужжатларига мувофиқрўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Тандов саводлари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан ўтиборан кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 15 (ун беш) фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу 35417911,2 сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи обьект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича обьектга мулк хукуқни ўзида саклауб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар обьектнинг тасодифий йўққилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасига бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда қонун хужжатларида белгитсанган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киригини ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига асосан ишларни бажаришни мұстакил равища ташкил этади.

19. Пудратчи обьектде ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келинеди ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланған тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонидә умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш түғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқна түпро ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратини түғрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нұкталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг түғри ва зарур тарзда белгиләннин. шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги түғри жойланғанынг учун жавоб беради.

Агар ишларни бажарини жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларидан хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларидан ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойланнини схемалари ва жадвалларини сақлади, ишларни бажариш даврида ва улар тугалланғандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонидә ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нұкталаридан яшілдан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буомлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларига, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини таедиқловчи тегини сертификатларига, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

26. Алоҳита маъсұлнинг конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланғаниннидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равинидан хабардор қиласди.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмagan бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очинига, сўнгра ёса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилғанлыгини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан унбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатен бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикини оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва ўйлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлади, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқарб ташлади.

30. Ишлар бошланған шайтдан бошлаб улар тугалланғунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларидан аханингга ёга бўлган холлар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олинини, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилимаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларининг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларида қоникмаса, у холда ишларни бажарини дафтарнида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиши чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ЕНГИБ БҮЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

31. Агар уибу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бонка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек уибу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Нудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўришинини мухокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб қилишига ҳаклидир.

## **X. ҚАФОЛАТЛАР**

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлихажмада ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лоиқа ҳужжатларига камда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажарни мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга қавлаган стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланишнанда мұхандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидалариға мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нусонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

35. Пудратчи нусонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши "Давархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

36. Буюртмачи:

шартнома кучига киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тутагинини мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатта кўнайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда:

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати насыйини олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукукига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатта тутатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукукига эга.

38. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартноманинг бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонига ёзма билидиришинома юборади.

40. Шартнома бекор килинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдалани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томони:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хўкукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун хўжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли илёваларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вактида молиялантирганилиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.01фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланинни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномана мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачига Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.03 фоизи миқдорида жарима тўлади.

45. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.05 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва качиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлани Пудратчиги ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хўжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитекткурилишназорат" инспекциясининг хўжасен асосида обьектни қабул қилиш ва унинг ҳақ тўлашдан бош тортishi, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 10 фоизи миқдорида жарима ундириш хўкукига оға.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан конланмаган заарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масадаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хўжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

## XIV. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-жнем в) бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") молдий/номоддий рафбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чеккимаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар,

мукофотлар ва манфаат (пул ёки хар қандай қиймат күренишида) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳукукини т

## XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзоланғандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилини объектига ёки унинг алохидага тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукукига таъсиз бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгarterиши ва қўшимчалар, agar улар амалдаги конунларга асосланган раванида расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ақдлашувни асосланган холда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланғандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-муътиз көллиреа, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарини анниплар учун унга ҳак тўлашни кечиктиришга ҳаклидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилиши.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Шартнома Газиачилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва амал килиш муддати «31 » Декабр 2022 йилгача ҳисобланади.

## XVI. ТОМОНЛАРИНИГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### ПУДРАТЧИ

Пудратчи: LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ  
Юридик манзилгоҳ Навоий област  
Кармана тумани Варқ махалласи

ТЕЛ \_\_ 90,665,68 28  
Х/р: 2020800000648956001

Банк номи\_ Миллӣ Банк  
Банк коди(МФО): MAKİ MASİLLİ  
ИНН\_ 304289114

Рахбар: Сисломов



ЮРИСТ

### БУЮРТМАЧИ

Хоҷаинеҳе СТБ  
Абдӯй куҳаси № 12 уй  
Хоҷаинеҳе тумани  
Тел: 51. 22. 3. 60.  
Х/р : 10002286022110921000  
Банк номи: Миллӣ банк  
Банк коди: 00014  
ИНН: 000012326



**YURIDIK AHAMIYATGA eGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA  
№ 5763**

**1. Loyihaning turi:**

Pudrat shartnoma loyihasi xamda unga ilova qilingan xujjatlar

**2. Loyihaning nomi:**

Konimex tuman xalq ta’lim bo‘limi xamda “Leader Servise Navoiy” MCHJ o‘rtasida jami **118059704 (Bir yuz o‘n sakkiz million ellik to‘qqiz ming etti yuz to‘rt)** so‘mlik tuman XTB qarashli 14-son umumiy o‘rta ta’lim mакtabida isitish tizimlarni ta’mirlash to‘g‘risida pudrat shartnoma loyihasi

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma’lumot:**

Konimeh tumani xalq ta’lim bo‘limi tomonidan 2022 yil 6 sentyabrda dasturga yuborilgan.

**X U L O S A**

Ushbu pudrat shartnoma loyihasi va unga ilova qilingan xujjatlar o‘rganolganda qo‘yidagilar aniqlandi.

Jumladan: Karmana tuman davlat xizmatlari markazi tomonidan “Leader Servise Navoiy” MCHJ davlat ro‘yxatidan o‘tkazilganligi to‘g‘risida guvohnoma berilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 631-655 moddalari O‘zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagи “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi 670-1-sон qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 14 sentyabrdagi “SHartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-6313-sон Farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentinring 2018 yil 27 sentyabrdagi “Davlat xaridlari to‘g‘risidagi qonunni amalga oshirish chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-3953-sон qaroriga muvofiq, umumiy bahosi **118059704 (Bir yuz o‘n sakkiz million ellik to‘qqiz ming etti yuz to‘rt)** so‘mlik Konimex tuman xalq ta’lim bo‘limi xamda “Leader Servise Navoiy” MCHJ o‘rtasida pudrat shartnoma loyihasi ishlab chiqilgan.

YUqoridagilarni inobat olib

## XULOSA QILAMAN

Konimex tuman xalq ta'lim bo'limi xamda "Leader Servise Navoiy" MCHJ o'rtaida 2022 yil 5 sentyabrda pudrat shartnomada ko'rsatilgan talablar O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdag'i "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-1-sون qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 14 sentyabrdagi "SHartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" PF-6313-sон Farmoni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentinring 2018 yil 27 sentyabrdagi "Davlat xaridlari to'g'risidagi qonunni amalga oshirish chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-3953-sон qaroriga asoslangan holda, ushbu shartnomani (imzolash) maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i



O.Ulugov